O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY TA’LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR
VAZIRLIGI

TOSHKENT DAVLAT IQTISODIYOT UNIVERSITETI SAMARQAND FILIALI
SAMARKAND BRANCH OF TASHKENT STATE UNIVERSITY OF ECONOMICS
TDIU SF

“O‘ZBEKISTONDA MOLIYAVIY HISOBOTNING XALQARO STANDARTLARINI JORIY ETISH TENDENSIYALARI”

RESPUBLIKA ILMIY-AMALIY KONFERENSIYA

ILMIY MAQOLALAR TO‘PLAMI

22–23 MAY 2026 YIL



12.	**MOLIYAVIY HISOBOTNING XALQARO STANDARTLARINI QO‘LLASHNING MOLIYA BOZORI ISHTIROKCHILARI FAOLIYATI SAMARADORLIGIGA TA’SIRI** *Hotamqulova Madina*	81
13.	**MAMLAKAT TARAQQIYOTIDA BUXGALTERIYA HISOBINING O‘RNI VA YASHIRIN IQTISODIYOTNI KAMAYTIRISHDA MHXSNING STRATEGIK AHAMIYATI** *Rahmatullayev Mehroj Alijon o‘g‘li, Mirzayev Behzod Abdug’ofur o’gli*	86
14.	**SUG’URTA TASHKILOTLARIDA MOLIYAVIY NATIJALARNI SHAKLLANTIRISHNING IFRS 17 ASOSIDAGI YANGI MODELI** *Egamberdiyeva Hilolaoy Olimjon qizi*	93
15.	**SUG’URTA TASHKILOTLARIDA XALQARO STADARTLAR ASOSIDA XARAJATLAR HISOBINI TAKOMILASHTIRISH** *Raximov Xoshim Amirkulovich*	100
16.	**TIBBIY XIZMATLAR KORXONALARIDA MHXS ASOSIDA BUXGALTERIYA HISOBINI TASHKIL ETISHNING ZAMONAVIY TENDENSIYALARI** *Maxmudova Aziza Akmalovna*	109
17.	**BALIQCHILIK FAOLIYATINI RIVOJLANTIRISHDA MOLIYAVIY HISOBOTNING XALQARO STANDARTLARINI QO‘LLASHNING AMALIY AHAMIYATI** *Muydinov Olim Bekmuratovich*	123
18.	**KORXONALARNI QO‘SHIB OLISH JARAYONLARIDA MHXS ASOSIDA HISOB VA HISOBOTNI TAKOMILLASHTIRISH** *Abdurasulov Jamshidbek Axmad ug‘li*	129
19.	**KUTILAYOTGAN KREDIT ZARARLARI MODELINI MILLIY DEBITORLIK QARZLARINI HISOBGA OLISH TIZIMIGA INTEGRATSIYALASH** *Ablakulova Shaxnoza G’ayrat qizi, G’aniyev Ibragim Mamadiyevich*	136
20.	**КОНЦЕПТУАЛЬНЫЕ ПОЛОЖЕНИЯ МСФО (IFRS) 18 И НАПРАВЛЕНИЯ ТРАНСФОРМАТSII ФИНАНСОВОЙ ОТЧЁТНОСТИ ХОЗЯЙСТВУЮЩИХ СУБЪЕКТОВ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН** *Якубова Шохиста Шухратовна*	146
21.	***РОЛЬ ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЛЕКТА В ФОРМИРОВАНИИ ESG И МЕЖДУНАРОДНОЙ ФИНАНСОВОЙ ОТЧЕТНОСТИ*** *Мирзаева Сабина Хушнудовна*	157
22.	**ДОРИ ВОСИТАЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНЛАРИ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ** *Ёдгоров Хушвакт Мансурович*	165
23.	**ДОРИ ВОСИТАЛАРИ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНЛАРИ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ АМАЛИЙ МАСАЛАЛАРИ** *Ёдгоров Хушвакт Мансурович*	172

ДОРИ ВОСИТАЛАРИ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНЛАРИ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ АМАЛИЙ МАСАЛАЛАРИ

Ёдгоров Хушвакт Мансурович
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
мустақил тадқиқотчиси
yodgorovkhushvaqt@gmail.com
Тел.: +998979191116

Аннотатsiя. *Мазку мақолада Республикада фармацевтика саноатининг ўрни, фармацевтика саноатининг асосий таркибий қисми ҳисобланадиган дори воситалари ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятининг умумий тавсифи, дори воситалари саноати корхоналарида ёрдамчи ва умумий ишлаб чиқариш хўжаликларининг вазифалари, ушбу хўжаликларда ишлаб чиқариш жараёнлари, ушбу корхоналарда бухгалтерия ҳисобини юритишнинг ўзига хос хусусиятлари ёритилган. Шунингдек мазкур мақолада дори воситалари ишлаб чиқариш корхоналарида дори воситалари бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг зарурияти ва уларнинг вазифалари тавсифи, асосий ишлаб чиқариш босқичининг таркиби ва ҳар бир жараёнлар бухгалтерия ҳисобининг ўзига хос хусусиятлари тадқиқ этилган.*

Калит сўзлар: *фармацевтика фаолияти, фармацевтика корхоналари, дори воситалари, дори воситалари ишлаб чиқариш корхоналари, дори воситалари ишлаб чиқариш жараёнлари, дори воситалари ишлаб чиқариш жараёнлари бухгалтерия ҳисоби, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари.*

Жаҳонда, жумладан Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсилигини таъминлашга оид муҳим стратегиялар амалга оширилиб, муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилмоқда. Бунга мисол, Ўзбекистон Республикасида 2025 йил 3 февралда “Озиқ-овқат хавфсилиги тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди. Мазкур Қонуннинг 16-моддасида ҳукумат томонидан озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги бўйича олиб бориладиган сиёсатнинг асосий йўналиши ҳамда мақсади сифатида қуйидагилар келтирилган: “озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг мақсади мамлакат аҳолисининг ижтимоий аҳамиятга молик асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотлари ва хомашёсини ишлаб чиқариш ҳисобига қаноатлантиришдан

иборат”[50]. Бундан кўриниб турибдики, мамлакатда маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бу давлат томонидан озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича энг асосий вазифалардан бири ҳисобланади.

Ушбу долзарб масалалардан келиб чиқиб яна шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, ҳозирги кунда дори воситалари ишлаб чиқарувчи корхоналар олдида юқорида қайд этилган жараёнларни амалга ошириш бевосита дори воситалари ишлаб чиқариш жараёнларини тўғри ташкил этиш ва ушбу жараёнларнинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларини илғор тажрибаларга мувофиқлаштириш натижасида эришилади. Шу боис, мазкур илмий изланишлар давомида дори воситалари ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолиятини чуқурроқ ўрганиш, ушбу тадбиркорлик субъектларида ишлаб чиқариш жараёнларининг хусусиятлари билан танишиб чиқиш, ҳар жараёнлар бўйича харажатлар бухгалтерия ҳисобини тизимли равишда юритиш, улар бўйича ахборотларни маъмурий-бошқарув ходимларига бухгалтерия ҳисоботлари орқали батафсил тақдим этиш тадқиқот иши вазифаси сифатида белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонунида “озиқ-овқат маҳсулоти – озиқ-овқат хом ашёси, озиқ-овқатлар ва уларнинг таркибий қисмлари, озиқ-овқат хом ашёси ва озиқ-овқатларга тегиб турадиган моддалар, материаллар, ёрдамчи ва қадоқлаш материаллари ҳамда улардан тайёрланган буюмлар бирга”[51], деб келтирилган. Дори воситалари эса, озиқ-овқат маҳсулотлари таркибига кириб, норматив ҳужжатларда қуйидагича таъриф берилган:

“маҳаллий дори воситалари – Ўзбекистон Республикаси ҳудудида маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқарилган дори воситалари”;

“импорт дори воситалари – хорижий фармацевтика корхоналари томонидан ишлаб чиқарилиб, Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига олиб кирилган ва ушбу ҳудуддан қайтариб олиб чиқиш мажбуриятисиз эркин муомалага чиқарилган дори воситалари”[52].

[50] Ўзбекистон Республикасининг “Озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонуни. 2025 йил 03 феврал, ЎРҚ-1023-сон.

[51] Ўзбекистон Республикасининг “Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонуни. 1997 йил 30 август, 483-I сон.

[52] Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг “Референт нарх шакллантириш тизими доирасида рецепт билан бериладиган дори воситалари нархларини қайд этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи. 2025 йил 25 декабрь. 3735-сон.

Д.Г.Худайназарова томонидан фармацевтика корхоналарида бизнес жараёнларини ташкил этиш, хусусан ишлаб чиқариш жараёнларини тўртта босқичдан иборат занжир асосида ташкил этиш орқали ишлаб чиқариш жараёнлари бухгалтерия ҳисоби ҳамда ҳисоботини юритиш бўйича илмий-амалий таклифлар ишлаб чиқилган. Шунингдек, фармацевтика корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнлари бухгалтерия ҳисобини юритишнинг долзарблиги таъкидланган ҳолда қуйидаги фикрлар билдирилган: “фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёнларини ҳар бир босқчиларда ташкил этиш ва бухгалтерия ҳисобини юритиш, ушбу жараёнларнинг ҳар бирида амалга оширилган харажатларни алоҳида ҳисоб ва ҳисоботларда акс эттиришнинг ўзига хос хусусиятларга эга эканлигини кўрсатмоқда. Бу эса, ўз навбатида, мазкур тадқиқот ишимизда фармацевтика корхоналарида амалга ошириладиган ишлаб чиқариш жараёнлари бўйича харажатларнинг ҳар бир таркибий қисми бўйича алоҳида тадқиқ этишни долзарб қилиб қўяди”[53].

Корхоналарда асосий ишлаб чиқариш жараёнларидан аввал ёрдамчи ишлаб чиқариш жараёнлари амалга оширилади. Чунки, ёрдамчи маҳсулотлар асосий ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этишда асосий таъминот вазифасини бажаради. Бу ишлаб чиқариш жараёнларида қуйидаги цехлар



иштирок этади:

[53] Farxodovich, Boronov Bobur, Xudaynazarova Dilnoza Gafurovna, and Yodgorov Xushvaqt Mansurovich. "FARMASEVTIKA KORXONALARIDA BUXGALTERIYA HISOBINING O ‘ZIGA XOS XUSUSIYATLARI." *FRONTIERS OF KNOWLEDGE AND INTERDISCIPLINARY DISCOVERY* 1.1 (2025): 282-289.

1-расм. Ёрдамчи ишлаб чиқариш цехлари[54]

Мазкур ишлаб чиқариш цехлари асосий ишлаб чиқариш цехларини дори воситалари ишлаб чиқаришда зарур бўлган ёрдамчи маҳсулотлар билан таъминлаш жараёнида иштирок этади. Жумладан, ёрдамчи ишлаб чиқариш жараёнлари таркибида **преформа ишлаб чиқариш цехи** алоҳида аҳамиятга эга ҳисобланиб, ушбу цехда преформа – ярим тайёр маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Преформалар дори воситаларини қадоқлаш жараёнида муҳим аҳамиятга эга ҳисобланиб, асосий ишлаб чиқариш цехида преформалардан флаконлар тайёрланади. Флаконлар эса, идишда тайёрланадиган дори воситаларини асосий сақлаш воситаси ҳисобланади.

Ёрдамчи ишлаб чиқариш цехларидан яна бири бу **флакон учун илгак ишлаб чиқариш цехи** ҳисобланади. Корхонада мазкур цех дори воситалари сақланадиган идишларнинг илгакларини ишлаб чиқариш вазифасини бажаради.

Дори воситаларини флаконларда сақлаш учун уларга қопқоқ керак бўлиб, ушбу ёрдамчи материаллар ҳам корхонанинг ўзида ишлаб чиқарилади. Корхонада мазкур жараёнлар **флакон учун евроқопқоқ ишлаб чиқариш цехи**да амалга оширилади.

Корхонада шундай жараёнлар ҳам бўладики, ёрдамчи материалларни тайёрлаш учун яна бошқа турдаги ёрдамчи материаллар ишлаб чиқарилади. Жумладан, **евроқопқоқ учун ички ва ташқи қисмлар ишлаб чиқариш цехи** манашу вазифани бажариб, ушбу цехда икки хил кўринишдаги ёрдамчи материаллар ишлаб чиқарилади.

Дори воситалари рақамли маркировкаланадиган маҳсулот таркибига кириб, бугунги кунда дори воситалари ишлаб чиқариш корхоналарида рақамли маркировкалаш жараёнлари амалга оширилади. Мазкур жараёнлар учун **рақамли маркировка штрих-коди тайёрлаш цехи** ташкил этилган бўлиб, бизнинг фикримизча, рақамли маркировкалаш жараёнлари ёрдамчи ишлаб чиқариш жараёнлари таркибига киради ва бухгалтерия ҳисобида ёрдамчи маҳсулотлар сифатида тан олиниши лозим, деб ҳисоблаймиз.

Умумишлаб чиқариш хўжалиги. Дори воситалари ишлаб чиқариш корхоналарида умумишлаб чиқариш хўжалиги таркиби бошқа корхоналардан фарқ қилиб, мазкур бўлим таркиби қуйидаги қисмлардан иборат бўлади:

[54] Муаллиф ишланмаси.



2-расм. Умумишлаб чиқариш хўжалигининг таркибий қисмлари[55]

Корхоналарда умумишлаб чиқариш хўжалигининг асосий вазифаларидан бири бу дори воситалари ишлаб чиқариш жараёнлари техника ва технологияларини мунтазам ишлашини таъминлаш, ишлаб чиқариш асбоб-ускуналарини таъмирлаш бўлиб, корхонада ушбу вазифалар **муҳандислик бўлими**га юклатилган. Дори воситалари ишлаб чиқариш корхоналарида муҳандислик бўлими ташкилий структураси қуйидагича бўлади (3-расмга қаранг):



3-расм. Муҳандислик бўлими ташкилий структураси[56]

Корхонада муҳандислик бўлими ташкилий структурасидан кўриш мумкинки, ушбу бўлимда ишлайдиган ходимлар турли хил жараёнларда қатнашиб, улар ишлаб чиқариш жараёнида мунтазам тарзда хизмат кўрсатади. Умумишлаб чиқариш хўжалигининг таркибий қисми

[55] Муаллиф ишланмаси.
[56] Муаллиф ишланмаси.

ҳисобланадиган мазкур бўлимнинг энг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

* ишлаб чиқариш асбоб-ускуналарининг узлуксиз ва авария ҳолатисиз ишлашини таъминлаш;

* асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқариш цехларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш тизимини жорий этиш;

* эскирган асбоб-ускуналарни алмаштириш;

* энергия ускуналари ва ахборот коммуникатsияларининг хавфсиз ишлатилишини таъминлаш;

* жумладан, энергетик ускуналарни эксплуататsия қилиш ва таъмирлаш;

* корхонани электр энергияси, буғ, газ ва сув билан таъминлаш жараёнларини бошқариш;

* энергия ресурсларини тежаш чораларини ишлаб чиқиш;

* куз-қиш мавсумига тайёргарлик режаларини ишлаб чиқиш;

* энергия сарфи бўйича ҳисоботларни юритиш;

* энергетик тармоқларини назорат қилиш;

* хавф юзага келганда энергия ускуналарини ўчириш;

* эҳтиёт қисмлар захирасини режалаштириш;

* техник хизмат кўрсатиш графикларини тузиш;

* ускуналарни қабул қилиш ва сақлаш;

* ҳудуд ва ускуналар тозалигини назорат қилиш;

* ишлаб чиқариш қувватларини бошқариш ва реконструкция қилиш;

* канализатsия тизимларининг тўғри ишлашини таъминлаш.

Корхоналарда муҳандислик бўлими томонидан ушбу вазифаларни амалга ошириш дори воситалари ишлаб чиқариш жараёнида муҳим бўлиб ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг “Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонуни. 1997 йил 30 август, 483-I сон.

2. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг “Референт нарх шакллантириш тизими доирасида рецепт билан бериладиган дори воситалари нархларини қайд этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи. 2025 йил 25 декабрь. 3735-сон.

3. Боронов, Б. Ф. "Ёғ-мой маҳсулотлари ҳисоби методологиясини такомиллаштириш." *Т.: ТМИ, иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертатsiя,-244 б* (2023).

4. Боронов, Бобур Фарходович. "Ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобининг назарий ва методологик асосларини такомиллаштириш." *ISSN 2181-3191 VOLUME 1, ISSUE 7 OCTOBER 2022* (2022): 202284

5. Farxodovich, Boronov Bobur, Xudaynazarova Dilnoza Gafurovna, and Yodgorov Xushvaqt Mansurovich. "Farmasevtika korxonalarida buxgalteriya hisobining o‘ziga xos xususiyatlari." *FRONTIERS OF KNOWLEDGE AND INTERDISCIPLINARY DISCOVERY* 1.1 (2025): 282-289